







ТИЖОРАТ НАШАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ПРОТЕК—ПРЕСНЯ Б» ТАШКИЛОТИ КУНИДАГИЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ:
• Занг урадиган электрон ва механик девор соатлари. 880—1880 сўм.
• «Алжир» сантехники. 12000 сўм.
• Автоматиналар учун радиостанция. 1 донаси 80 000 сўм.

ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ КУРТИ ИПО ИГИРИВЧИ, ҚАЛАВАЛОВЧИ, ФИЛИКЛОВЧИ, ТЎҚУВЧИ ҚАСБЛАРИ БЎЙИЧА

16 ёшдан 35 ёшга бўлган қизлар ва аёлларни УҚИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ
Машигулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошлади.
Уқиш муддати 4 ойдан 8 ойгача.
Уқувчиларга ўқишнинг 1,2 ойларда 1000 сўм, 3,4 ойларда 700 сўм, қолган даврда 400 сўм стипендия тўланади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой ноҳисси, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. (2, 57, 80, 97-автобуслар; 17, 25-маршрутли таксиларнинг «Билим юрти» бекати.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-44-85, 55-44-96.

Тошкент Эгамбердиев номи УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ (Хадр майдони) БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида 25 декабрдан 1993 йил 10 январгача «ЦИРКДА АРЧА» ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ТАҚЛИФ ЭТАДИ
Ўғил ва қиз болалар!!!
Катта цирк томошалари, ғаройиб саргузаштлар, масхарабозлар ва артистлар Сизларга мунтаза!
ТОМОШАЛАР: 25 декабрь соат 12, 14, 16.00 да; 26 декабрь соат 10, 12, 14, 16.00 да; 27 декабрь соат 10, 12, 14, 16.00 да; 28 ва 29 декабрь соат 12, 14, 16.00 да; 30 декабрь соат 16.00 да; 1 январь соат 10 ва 16.00 да; 1993 йил 2—8 январь кунлари соат 16.00 да;

1993 йил 9 ва 10 январда соат 10, 12, 14, 16.00 да бошланади.
Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.
Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда. Қишлоқ аҳолисининг талабномалари бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.
Олдидан билет сотиш йўлга қўйилган.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Цирк фойесига шошилинч сураткашлик устахонаси ишлаб турибди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

ТАШКИЛОТ
АВТОСЕРВИС УЧУН
КУНИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ:
«ЭЛДИС — 1010, 1200» мувозанатлаш дастгоҳлари;
генераторлар учун қўтаргичлар;
филидақларнинг жойлашувини ростловчи стэнд;
шиналарни ўрататиш ва бўшатиб олиш;
электр вулканизатор;
«Кастрол», «САЕ» фирмаларида чиқарилган автомобилларнинг ёрдамчи ва бошқа ускуналар.
МАНЗИЛИМИЗ: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона.
ТЕЛЕФОНЛАР: (8712) 34-25-81, 34-66-44.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ. СУРАТЛАРДА: Мария Головина (чапда) ва Наталья Ан; «Ташсельманчи» клубида машқ пайти. Андрей Пинненко сурачлари. Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.
Станок балансировочный „eldis-1200“.

\* Келажакимиз—мактабда

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

ЯҚИНДА Мирзо Улуғбек районидagi И. Мўминов номи 113-мактаб ўқитувчилари жамоаси тарбиявий ишлари тақомиллаштириш мақсадида кенг жамоатчиликка мурожаат билан чиқди.
Тошкент халқ таълими бош бошқармаси, маҳалла комитетлари, оталиқ ташкилотлари ва тарбия билан шугулланаётган бошқа масканларнинг жамоалари бу ҳужжатда илгари сурилган фикрларни қўллаб-қувватладилар.

кур ўқув йилида корхона мактаб-ини жорий таъмирлаш учун 800 минг сўм, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам бериш ва жиҳозлар олишга 80 минг сўм пул ажратишга қарор қилди. Шунингдек, ўқувчиларни дарсдан кейинги бўш вақтлари ни тўғри ташкил қилиб, уларни иш билан таъминлаш режалаштирилди.

марали ишлар, шунингдек газеталарда эълон қилинган мурожаатнома бир овоздан маъқулланди.
— Мурожаатномада шу куннинг муҳим масалалари кўтарилган. — деди биз билан суҳбатда шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг тарбиявий ишлар бўйича бош мутахассиси О. Мамасолиев. Чунки ҳозирги мураккаб шароитда ўқувчи ёшлар тарбиясида эътибор бериш, айниқса уларни оламийлик, меҳнатсеварлик, ҳалолликка ўргатиш биринчи галдан вазифамиздир. Қабул қилинган ҳужжатнинг асосий мазмуни ва мақсади негизан ҳам ана шунда.

Назира ҚҮРВОН қиз.

ЯҚИНДА Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган дзю-до кураши бўйича Ўзбекистон биринчилигида қатнашиб, ўз вазидаги барча курашчиларни доғда қолдирган Мария Головинанинг муваффақияти бизни ушлайдиган Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлари бирлашмасининг спорт саройига чорлади. Ун тўғрисидаги иштирокини билан бу қизнинг аёлларга хос бўлмаган спортнинг самбо ва дзю-до турни бўйича шугулланиши ва ёшларга сабоқ бериши бир томондан инкилланган бўлса-да, буюк бобомиз Амир Темурининг «Тангри тавло жасур кишини ардоқлайди». — деган ўғити бизга малал бўлди, у билан суҳбатлашмоқчи ошқидик. Негаки, бу ўғитида Маринининг жасорати, матонатига қойил қолиш керак эди-да.

мени тўғри тушунди чоғи, келиши олдик.
— Булиб ўтган мусобақалар ҳақида ҳам тўхтайсангиз?
— Бу йил Чирчиқда бўлиб ўтган дзю-до кураши бўйича Ўзбекистон биринчилигида спорт саройимиздан мен ва дугоналарим Наталья Ан, Наташа Юрлова қатнашдик. Аммо оқиб Наталья билан менга кулаб боқди. Наташа қаттиқ жароҳатла-


бо кураши бўйича биринчилиги бўлди. Мен ҳам ўзимни оқлаб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдим.
— Унда спортнинг самбо усулидаги маҳоратингиз яхши эканда?
— Ҳа, шундай десам ҳам бўлади.

\* Спорт ЮРАГИДА ЎТИ БОР ҚИЗЛАР

Спорт саройига борганимизда биз Мариния дугонаси Наталья Ан билан машқ қилаётган пайтда учирдик.
Зал спортчилар билан гажум. Кимдир стол теннисда, кимдир самбо, дзю-до курашлари билан шугулланмоқда.

ниб, мусобақада қатнаша олмайди. Мен 50 килограммгача бўлган вазнда рақибларимни доғда қолдирган бўлсам, Наталья 53 килограммликлар баҳсида барча рақибларини енгди. Шундай қилди, шаҳримизга қўш галаба билан қайтди.
Киров шаҳрида ўтказилган дзю-до бўйича халқаро турнирда менин омадим келмади. Наталья эса Мустақил Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиб, иккинчи ўринни олди. Ўз вази бўйича кўчилик мутахассислар Наталья финалда галиб бўлиши керак эди дейишди. Спортдаги англошимоличилик унинг рақибини галиб-қилиб қўйди.

бу корейс қизи билан танишишга кимон излади. Залда машқни чақолик билан бажараётган, кўз илғамас усулларни қўллаётган Натальияни кузатиб туриб, катта тренер Роман Сергеевич Кимни суҳбатга тордик.
— Наталья билан Мариния ҳеч инкилланмасдан, Ўзбекистонимиз фаҳри, дейишим мумкин, — деди у. — Наталья етти бор Ўзбекистон биринчилигида галиб топди катта зафар кучган бўлди, Мария тўрт марта бунга муваффақ бўлган. Бу спортчиларимиз бир неча бор собиқ Иттифок турнирларида иштирок этиб, жумҳуриятимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар ва сориқли ўринларни эгалдилар. Натальияни уч марта



тетик қилади, — деган эди. Уша вақтда мен нимжонгина қиз эдим. Шу-шу тўрт йилдан буюн юқоридagi спорт турлари билан шугулланиб келаямман. Дастлаб, Валерий Федорович Бармаков қилида тарбияландим. Бир йилдан буюн шу ерда тренер-ўқитувчилик қилляман. Бундан ташқари, менга ҳозир катта тренеримиз Роман Ким устозлик қилляпти. Машигулотларни унинг қилида давом эттириляман. Эрта-ла ёшларга ўзим сабоқ берсам, кечурунги машгулотни дугоналарим билан Роман Сергеевич Ким ёрдамида олиб борамиз. Тўғри, қизларга оғир, лекин ҳар ким ўзини қийинтириши, сангагини қилишга ниятланши керак. Онам ҳам аввалгина қаршилик қилганди, кейин

Шар неча қўндан кейин шу шаҳарда МДХнинг семинари бўлиб ўтди.
Киров шаҳрида ўтказилган дзю-до бўйича халқаро турнирда менин омадим келмади. Наталья эса Мустақил Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиб, иккинчи ўринни олди. Ўз вази бўйича кўчилик мутахассислар Наталья финалда галиб бўлиши керак эди дейишди. Спортдаги англошимоличилик унинг рақибини галиб-қилиб қўйди.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунн ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

ХАЛҚ амалий санъатининг энг оммалашган турларидан бўлган эшик, дарвоза ва панжаралар бевосита мейморчилик билан боғлиқдир. Қадим замонлардан буюн маданиятимиз тарихида шулар ҳақида гап боради. Таърифи-таъсифи жўлиб-жўлиб ҳикоят қилинади. Бу буюмларнинг ниҳоятда мустаҳкамлиги, жозибдор нақшлари ва усталар маҳорати санъат муҳлисларини доимо ўзига жалб қилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, кўҳна биноларга қурилган эшик, дарвозаларга назар ташласан қириққиллиги, салобатлилиги билан кишини ҳайратда қолдиради, файз тўкиб, кўрнини намоиш этиб, дилларда завқ уйғотди. Айниқса улардаги катта-кичик шакллар ва ўймакорликда бажарилган бўртма нақшлар покиза меҳнат маҳсулидир. Турар жой биноларидаги оддий, бир-бирига туташ қурилган эшикларнинг бежиримлиги, дарчага ўрнатилган панжараларнинг нақшикор кўриниши ҳақиқий Шарқ мейморчилиги услуби ва маҳоратидан дарак беради. Мамлакатимизнинг Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Кўқон, Марғилон каби кўҳна шаҳарлардаги иморатларга ўрнатилган эшик, дарвоза ва панжаралар аслардан буюн дунё халқлари ҳавасини уйғотиб келмоқда.

\* Хунари izzаллар ПАНЖАРАДАН БОҚҚАН ЁР

Панжарадан мойил-мойил боққан ёр. Бу қўр қуларнинг на тилар манъан... Деярлинишда ҳам бир олам муборак бор. Бирор ошқини ҳеч ёққа қирамай, бир хонага қамаб қўйишганда у дарчага ўрнатилган панжара орақлиғида ташқи дунё билан боғлиқ бўлиб турган. Панжаралар асллар давомида алоҳида востаси бўлиб хизмат қилиб келганлиги ишбу қўшқиндан ҳам биллиниб турибди.

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг халқ амалий санъати бўлими заалларидан XIX—XX аср орадариде яратилган эшик, дарвоза, панжаралар муносиб ўрин олган. Албатта Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива эшикларидеги ўйма нақшлар бир-бирдан анча фарқ қилади. Масалан, Тошкент эшиги нақшлари берилган бўртма нақшлар кўзга яққол ташланади, табиат манзараларини эслатади. Кўпроқ гуллар тасвирини кўраемиз. Самарқанд эшикларидеги нақшлари майда бўлса, Бухоро эшикларидеги берилган ўйма нақшлар бироз сийрақлиги билан ажрқилиб туради. Хива эшикларидеги бирмунча йирик, геометрик шакллардаги ўлчамларда бажарилган, Хива эшикларидеги қайрағочдан, бошқа шаҳар эшикларидеги эса қўпичча терак, ёнғоқ дарахтларидан ишланган бўлади. Эшик, дарвоза, панжараларда ўзидан ҳосил бўлган табиий рангларни кўраемиз. Сарик, жигарранг-қорамтир тусдаги бу санъат буюмларини кўрганлар ранг берилган бўлса керак деб ўйлашлари мумкин.

Аммо, одатта кўра ҳеч қандай бўёқ берилмаган. Егоч ўзида мавжуд бўлган мойдан шундай бўёқлар кашф этганки, бундай ранг ҳар қандай об-ҳово шароитида ҳам ўзгарибди.

Кўрамага қўйилган буюмларини томоша қилар экансиз, хивалик, 105 йил умр кўрган уста Ота Поллоновнинг 1937 йилдаги эшиги, тошкентлик уста Ортиқ Файзуллаевнинг шогирдлари билан ясаган кўштабақали дарвозасидан қадимий анъана бўлган ўймакорлик санъатининг давом этайтиганидан мамун бўласиз. Ўзбекистон халқ рассомларидан қўқонлик Қодиржон Хайдаров нафақат хонтахта, ўриндиқ, ўриндиқчалари билан машҳур бўлибгина қолмай, эшиклар ясашда ҳам моҳир усталигини намойиш этган эди. Унинг қўлида сайқал топган ўйма нақшли эшиклар эндиликда Тошкентдаги собиқ В. И. Ленин музейига файз киритиб турибди. Уста Мақсуд Қосимов эса, 1939 йили Муқимий номи ўзбек давлат мусиқали театри учун эшиклар ясаб берганди. Бугунги кунда бу санъат кошоначисига киратганлар аввало сержило нақшли эшикларнинг томоша қилиб, сўнг спектакллари яхши кайфиятда кўришмоқда. Уста Мақсуд Қосимов 1958 йили Ўзбекистон Давлат санъати музейи маъмурий хонаси учун ўзининг санъат, маҳорат қирраларини акс эттириб, паргори услубида икки табақали ўйма нақшли эшик тортиқ этади. 1974 йилда эса, санъат музейи янги бинога ўтганида маъмурий хоналар йўлга ва маърузалар хонаси эшикларини «Усто» корхонасида ижод қилётган уста Ортиқ Файзуллаев ўйма нақшларида беэоб, ўрнатиб, музей жамоаси ва санъат муҳлисларини хушнуд этди.

Хозирги пайтда қадимдан машҳур бўлиб келаятган мезина дарахтлардан ҳеч бир уста эшик, дарвоза, панжараларни ўзида ясаб сотишга мойил эмас. Сабаби улар икки нақшли жуфта мўл бўлган қайрағоч, ёнғоқ, ўрик, тўт, икк, терак каби дарахтларни жуфта кам топшиларни мумкин. Иккинчи қарағайлар сероб, Россия ўрмонларидан келиб турибди. Иккинчи ўймакорликда яратилаётган санъатга одамлар унчалик қизиқинмайди. Арзонгина эшикларни сотиб олмаётдилар. Усталарнинг ҳам омади келган. Илокин бўлса қарағайдан тинланган тахталар кўриб қолмасдан, теалик билан бир қанча эшик, дарвозалар ясаб қолишга ҳаракат қиладилар. Иш қуроллари ҳам азият чекмайди. Ўтмишда «уста» номини қийришиш учун тер тўкиб ҳаракат қилинган бўлса, эндиликда «Зап чақон уста эканми?» деган ном чиқаришайпти. Йасаган эшиклариде, дарвозалари кўригач, тоб ташлаб, қийшайиб гоҳ ёпиқса, гоҳ ёпиқмай қолаяти. Панжара ҳақида ҳозир борганда эса уларни ўйма нақшли эшик, дарвозалар билан айрим музей ва маъмурий бинолардаги учратаямиз. Холос. Ўйма нақшли эшик, дарвоза, панжаралар ўтмишда фақатгина бадавлат хонадонларда бўлган дейиш ўринсиздир. Қайси хонадон соҳибни санъатга ихлос қўйган бўлса албатта унинг уйини халқ усталари ишлари беэоб келган. Узоққа бормайлик, Самарқанд, Бухоро, Тошкентдаги кўҳна биноларни кўзатсан, ҳали ҳам шундай санъат намуналари оддий хонадонлардан албатта топилди.

Мақсуд АХМЕДОВ, Ўзбекистон Давлат санъати музейининг катта илмий ходими.